**Ушбу сонда:** 2 Уй-жой қурилиши: МУАММО ВА ЕЧИМ | 3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ | 4 Ташаббус ҚИШЛОҚ ЎЙИНГОҲИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 13 апрел, чоршанба № 61 (1902)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

***Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан Қирғизистонда юзага келган вазият муносабати билан мазкур мамлакатга беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 60 вагондан иборат махсус поезд тайёрланиб, Андижонга жўнатилди. Инсонпарварлик юки таркибида уруғлик чигит, минерал ўғитлар, дизель ёнилғиси, цемент, арматура бор.***

Юкни қабул қилиб олиш учун Андижонга Қирғизистон ҳукумати вакиллари, журналистлар келди.

Андижон темир йўл бекатида митинг бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Б.Субанов очди.

- Мен бу ерга Қирғизистон Республикаси президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазири Қ.Боқиевнинг топшириғига биноан келдим, - деди делегация раҳбари Андрей Иордан. - Қирғизистон раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга, бутун Ўзбекистон халқига кўрсатган инсонпарварлик ёрдами учун чуқур миннатдорлик билдирди. Шуни таъкидлашни истардимки, халқингиз Қирғизистонга ўз вақтида ёрдам қўлини чўзди. Дўстлик ришталари айнан мана шундай қийин дамларда синалади.

Қирғизистон Республикаси қишлоқ, сув хўжалиги ва қайта ишлаш саноати вазири А.Анорбоев ушбу мурувват ёрдами экиш кампаниясини ўз вақтида якунлаш имконини беришини алоҳида таъкидлаб, қирғиз оилаларининг фаровонлиги, дастурхонининг тўкинлиги айнан шу ёрдамга ҳам боғлиқ эканлигини айтди. У кўрсатган мурувват ёрдами учун Ўзбекистон Президенти ва халқига миннатдорлик изҳор этди.

- Қўшни қирғиз халқи билан дўстлик муносабатларимиз азалийдир, - дейди Андижон шаҳридаги Хўтанариқ маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Иброҳимов. - Бундай мурувват ёрдамини фақат тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётган мамлакатгина кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон эса айнан шундай давлат. Бугунги воқеа бунга яна бир ёрқин мисолдир.

Поезд перрондан манзил сари йўл олди.

**С.ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири**



## «ҲАРАКАТ ПЛЮС» ИССИҚЛИК УЛАШАДИ

***Чирчиқдаги «Ҳаракат плюс» кичик корхонасида иситиш қозонларининг ўттиздан ортиқ тури ишлаб чиқарилади. Улар табиий газ, электр энергияси, кўмир ва ҳатто ўтин билан ҳам ишлайверади. Шу пайтга қадар корхона истеъмолчиларга 500 донага яқин иситиш қозони етказиб берди.***

Айни пайтда мамлакатимизда бу маҳсулотга талаб катта. Биргина Чирчиқ шаҳрининг ўзида тўққиз юздан кўпроқ кўп қаватли уй бор. Уларнинг аксарияти марказий иссиқлик тизимига уланган. Хизмат кўрсатиш сифати ҳамма уйда ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Сабаб - мавжуд қозонхоналарнинг фойдаланиш муддати аллақачон тугаган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги мавжуд муаммолар ечимини топишда муҳим дастуриламал бўлаяпти.

Ушбу ҳужжатда уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги «Ҳаракат коммунал сервис» хизмати, «Оталиқ», «СМН» ҳамда «Сарабоғ» ширкат хўжаликлари билан ҳамкорликда ўтган йили 2 та болалар боғчаси, 2 та мактаб ва 33 та кўп қаватли уйнинг ҳар бирига «Ҳаракат плюс» кичик корхонасининг иситиш қозонларини ўрнатди.

- Маҳсулотимизга буюртма кўп, - дейди корхона раҳбари Отабек Саидов. - Яқинда Қозоғистонда савдо уйимизни очдик. Икки-уч ойдан кейин бошқа қўшни мамлакатларга ҳам маҳсулот экспорт қилишни бошлаймиз.



Қозонларимизга хавфсизлик ускунаси ўрнатилган. Олов билан ишлайдиган бу аппаратнинг қулайлиги - иссиқлик меъёрини белгиланган маромда сақлаш билан бирга совуқ сув, табиий газ ва бошқа манбалардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлайди.

Саксонга яқин киши меҳнат қилаётган корхона ўтган йилни 64 миллион 200 минг сўмлик соф фойда билан якунлади.

**(ЎзА)**



## СОАТИГА 125 МИНГ ДОНА ҒИШТ

Навоий шаҳридаги «Ишлаб чиқариш бошқармаси» ҳиссадорлик жамияти таркибидаги корхоналар сони ҳам, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ҳам биттага кўпайди. Ҳиссадорлик жамияти раҳбари Светлана Зиряsecurованинг айтишича, икки юз киши меҳнат қилаётган янги ғишт заводи соатига 125 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга.

Заводнинг дастлабки маҳсулотлари Навоий аэропорти қурилиши, Қизилқум фосфорит комбинати, касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари каби иншоотлар қурилишига пешма-пеш жўнатилмоқда. Маҳсулот сифати юқори бўлганлиги боис бугунгача Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий вилоят капитал қурилиш инжиниринг компанияси, «Навоий автойўл» ҳудудий бирлашмаларидан катта миқдорда буюртмалар тушди.

**(ЎзА)**

## ТЕКШИРУВ ҚОНУНИЙМИ?

Фуқаролардан бири ўғли хизмат кўрсатувчи шаҳобча очганлигини, лекин текшир-текширлар кўпайиб кетганлигидан «дўконни» ёпмоқчи эканлигини айтиб шикоят қилди.

– Биз буни текшириб кўрамиз, хусусий тармоқлар фаолиятига ортиқча аралашувларга чек қўйилган, – деди Наманган вилояти Солиқ бошқармаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш бўлими бошлиғи Эркинжон Ғофуров воқеадан огоҳ бўлгач.

Унинг айтишича вилоятда текширишларни тартибга солиш, ишбилармон ва тадбиркорлар ишига ортиқча аралашувларга чек қўйиш бўйича зарур чоралар кўрилялти. Масалан, олдинлари турли ташкилотларнинг «папка кўтарган» айрим вакиллари хусусий тадбиркор эшигидан кириб келиб ҳужжатларни титкилай берар, ҳатто дўқ-пўписа қилишдан тоймасди. Текширишларни тартибга солиш, улар самарадорлигини оширишга оид Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қароридан сўнг аниқ тадбирлар изчил амалга оширилиб, бу борада ижобий натижаларга эришилди. Чунончи, 2003 йилда кичик бизнес корхоналарини текшириш олдинги йилга қараганда 10,6 фоизга, 2004 йилда эса бир йил аввалгисига нисбатан 12,3 фоизга камайди. Шунингдек, интизомли солиқ тўловчиларни ортиқча безовта қилмаслик, улар ишини ривожланишига кўмаклашиш чоралари кўрилмоқда.

*Долзарб мавзу*

Буни рақамлар билан ҳам изоҳлаш мумкин. Агар 2003 йилда текширишлар режа жадвалига киритилган кичик бизнес субъектлари сони 1333 тани ташкил этган бўлса, ўтган йилга келиб 989 тани ташкил этди. Амалдаги йилда текширишлар янада камайди. Бу гаплар агросекторга ҳам тегишли. Маълумки, бугунги кунда ширкат ва жамоа хўжаликлари аста-секин ўз ўрнини фермер хўжаликларига бўшатиб бермоқда. Ҳозирдаёқ Норин, Чуст туманларидаги қатор ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилган. Улар фаолиятини кенг йўлга қўйишга кўмаклашиш назорат органларининг ҳам вазифасидир. Ушбу йўналишда вилоятда бир мунча тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи фермер хўжаликларини текширишга ер қонунчилиги бузилганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида шартнома режалари бажарилмаган тақдирдагина киширилади. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, жорий йилда фермерлар фаолиятини текшириш 2004 йилга нисбатан 15,7 фоизга камайди.

Яна шуни тилга олиш лозимки, эшигингиздан папка кўтариб кириб келган ҳар қандай назорат ходимига ҳужжатингизни тақдим этаверишингиз шарт эмас. Агар у ҳақиқатан қонуний равишда келган бўлса, тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Бу ўринда битта мисол келтирсак. Норин туманида иш юритаётган Турсунбой (маълум сабабларга кўра фамилиясини айтмадик) исмли фермер устма-уст ташриф буюрган текширувчиларни яхши кутиб олмади. Махсус маълумотга эга бўлган, ўз соҳаси бўйича қонун ва кўрсатмалардан хабардор йигит тўғри фаолият кўрсатаётганига амин эди. Бироқ, папкалилар унинг фаолиятидан бир талай «хатоликлар» топишди. Зиммасига жарималар юклашди.

Юқорида таъкидланганидек, фермер ҳам анойилардан эмас эди. Ўзидан «топилган» айблар нотўғрилигини, номига ёзилган жарималар асоссиз эканлигини баён этиб, вилоят хўжалик судига ариза берди. Ҳақиқат асло синмайди, деганлари рост. Хўжалик суди Турсунбой фермерни ёқлаб унинг фойдасига қарор чиқарди.

– Бинобарин биз, –деди суҳбатимиз якунида Э.Ғофуров, – бошқа назорат органлари билан ҳамкорликда текширишлар режасини ишлаб чиқиш жараёнида интизомли солиқ тўловчиларга нисбатан енгилликлар яратиш ҳақида алоҳида бош қотираяпмиз. Зеро, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида 2005 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим устивор вазифаларидан бири – хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш, давлат тузилмаларини хусусий тадбиркорлик фаолиятларига аралашувини янада чеклаш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Меҳнат муҳофазаси*

## ИШ ЖОЙИ аттестациядан ўтказилганда

Авиация мураккаб соҳа. Шу боисдан ҳам ҳар бир меҳнаткашга кўнгилдагидек иш шароитини яратиш ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига оғишмай риоя этилишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг мутахассислари корхоналарда 176 та текширувлар ўтказишди. Тармоқдаги деярли барча иш жойлари йилига бир мартадан, лозим бўлган тақдирда эса икки мартадан назоратдан ўтказилди. Уларда 1.834 та қонунчилик меъёрлари бузилганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тавсияномалар берилди. Ижроси эса қатъий назоратга олинди.

Шуниси аҳамиятлики, корхоналар раҳбарлари ҳамда касаба уюшма қўмиталарининг саъи-ҳаракати натижасида меҳнат муҳофазаси борасида учраётган камчиликларнинг деярли барчаси бартараф этилмоқда. Айниқса, техника хавфсизлигига оғишмай амал қилинишига тармоқда алоҳида аҳамият қаратиляпти. Шу мақсадда тўртта услубий қўлланма чоп этилди ва барча бошланғич ташкилотларга тарқатилди. Турли семинарлар ўтказиш ҳам кутилган натижани бермоқда. Айни вақтда 272 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакил фаолият кўрсатяпти. Уларнинг 17 нафари махсус дастур бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ўқув марказида малакаларини оширдилар.

Кейинги пайтда мутахассисларнинг ишини фаоллаштириш мақсадида "Меҳнат муҳофазаси бўйича йилнинг энг яхши вакили" кўрик-танлови ҳам ўтказилмоқда. Унинг ғолиблари турли қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантириляпти. Қатор корхоналарда тузилган жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси вакилларини моддий рағбатлантириш масаласи ҳам киритилган. Бу ҳам ўз навбатида уларнинг ишларида сезиларли ижобий натижаларга эришишларида муҳим омил бўлмоқда. Меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича раҳбарлар билан ишлаш ҳам йўлга қўйилди. Улар қонун талаблари бузилиши юзасидан ўз вақтида огоҳлантирилиб, йўриқномалар бериляпти. Кейинги пайтда 336 та ана шундай таклифлар киритилди. Тармоқ касаба уюшмалари Марказий Кенгашида меҳнат муҳофазаси бўйича меъёрий ҳужжатларнинг экспертизаси ҳам ўтказиляпти.

Афсуски, бу муҳим тадбирга кўнгилдагидек муносабатда бўлмаётган раҳбарлар ҳам учраяпти. Мана шундай шахслардан 39 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Кейинги тўрт йил мобайнида 35 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. Уларда 43 нафар авиаходим турли даражада тан жароҳати олишди. Бундан юқоридаги раҳбарлар тўғри хулоса чиқариб олишса, айни муддао бўларди.

Лекин, меҳнат муҳофазаси борасида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилиниши лозим. Шунингдек, ҳар бир корхонада санитария ва маиший хоналарни жиҳозлаш, уларни нормал ишлашини таъминлаш зарур.

Чунки асосий мақсад ишлаб чиқаришда жароҳат олган меҳнаткашларга товон пули тўлаш эмас, аксинча бунга йўл қўймаслик учун соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратишдир. Бунинг учун иш жойларини аттестациядан ўтказиш муҳим. Бу борада бошланғич касаба уюшма ташкилотлари корхона раҳбарлари билан ҳамкорликда барча имкониятларини ишга солишлари керак.

**Н.РАФИҚОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Ислоҳот инсон учун*

***Қорақалпоғистон Республикасида бозор ислоҳотини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш соҳасидаги устувор вазифалар муваффақиятли уддаланмоқда.***

## ОРОЛ БЎЙЛАРИДА УНГАН ЧЕЧАКЛАР

"Мўйноқ" ширкат хўжалиги катта наҳрдан бир неча чақирим олисда жойлашган. Ота касби чорвадорлик бўлган Алмисбой Шокиров Оролнинг туя ўркачидек улкан қум барханлари бағрида жойлашган қўл етмас кенгликларига армон билан тикилади. Кейинги йилларда тирикчилик манбаи сув кўпайганлигидан қалби таскин топади.

Тажрибали мутахассис раҳбарлик қилаётган аҳил жамоа чорва моллари туёқ сонини кўпайтириш билан бирга давлатга гўшт, сут сотиш шартнома режаларини ўринлатиб келаяпти. Бош чўпон Сарсенгали Туримбетов "Зокиркўл" бўйларида табиий ўт-ўлан сероблигидан мамнун. Ҳар бири 170-200 бош сигирни парваришлаётган Қуваниш Изтилеуов, Жумабой ва Ойдос Қўнғиротбоевлар боқувидаги моллар семиз ва соғлом. Бош ижарачи Кеулимжой Абдураҳмонов раҳбарлигидаги деҳқонлар 350 гектар майдонда озуқа экинларидан юқори ҳосил етиштириб келишаяпти.

Мўйноқ тумани ҳудудидаги катта-кичик кўлларда обҳаёт кўпаймоқда. Табиат саҳийлиги, ёғин-сочинлар туфайли сувга сув қўшилаётганлигидан овул одамларининг кўнглида ишонч ва умид туйғулари жўш урмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Устюрт кенгликларида йилига 100 минг тонна кальцийли сода ишлаб чиқарадиган улкан корхона қад кўтарди. Завод фойдаланишга топширилса, кунига 450 тонна ош тузи ва 360 тонна оҳактошни кальцийли содага айлантиради. Бу қимматбаҳо хом ашё шиша, резина, металлургия, тўқимачилик саноатида, тиббиётда кўп ишлатилади. Ишчилар шаҳарчаси Элобод чўлидаги оппоқ кемага ўхшайди. 20 та кўп қаватли турар-жойлар, замонавий мактаб, болалар боғчалари, савдо, умумий овқатланиш ва бошқа инфратузилма тармоқлари аҳоли хизматида.

Қорақалпоғистон республикаси ҳудудининг 46 фоизини ташкил этадиган Қўнғирот туманида ер усти ва ер ости бойликлари бисёр. Биргина "Борсакелмас" мавзесини қоплаб ётган туз конида 105 миллиард тоннадан ортиқ қимматбаҳо бойликлар бор. Лойиҳа қиймати 250 миллион АҚШ долларига тенг йирик корхона фойдаланишга топширилса, нафақат Оролбўйи, бутун Ўзбекистонимизнинг иқтисодий салоҳияти янада ортади.

Буюк истиқлол шарофати билан қишлоқ хўжалиги ҳам ривожланишнинг ойдин йўлига ўтиб олди. Давлатга пахта, дон, пилла сотиш шартнома режалари ошириб бажарилди. Паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган 35 та ширкат ўрнида 709 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Айни пайтда деҳқон-фермерлар сони 6600 дан ошиб кетди. Уларга 194,2 минг гектар суғориладиган майдонлар ажратилган бўлиб, 50 мингдан ортиқ киши меҳнат қилаяпти.

Қорақалпоғистон янгиланиш даврини бошидан кечирмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бутун халқимиз сингари қорақалпоқ эли ҳам нафақат бугунги ҳаёт, балки эртанги кунимиз, истиқбол орзуси билан, барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган жонидан азиз фарзандларимизнинг тақдири ва келажагини ўйлаб яшамоқда.

Қўнғиротда газ конденсатини қайта ишловчи Россия - Ўзбекистон "Ийгиликгаз" масъулияти чекланган қўшма корхонаси республикада ёнилғига эҳтиёжни бемалол қондиради. Айни пайтда бир кеча-кундузда 200 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, кейинроқ бу кўрсаткич 500 тоннага етказилади.

Республика жанубида яна бир енгил саноат мажмуаси Ўзбекистон - Америка - Туркия ҳамкорлигида "Тўрткўлтекс" қўшма корхонаси қад ростлади. Қаровсиз қолган бино таъмирланиб, ҳашаматли ва чиройли корхона бунёд этилди. Цехларга Германияда ишлаб чиқарилган машиналар ўрнатилди. Хориждан келган "Техтима" компанияси мутахассислари ускуналарни тўлиқ ишга туширдилар.

- Мажмуанинг биринчи навбати тўла қувват билан ишласа, мингдан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланади, - дейди биз билан суҳбатда корхона бош директори Бозорбой Рўзимов. - "Тўрткўлтекс" маҳаллий хомашёдан тайёрланган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга чиқара бошлайди.

Оролбўйида амалга оширилаётган ишлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш ва халқ турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Аграр сектор етакчи ўринни эгаллаган республикада тармоқни ривожлантириш учун аниқ дастур тузилган. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар дадиллик билан тадбиқ этилаяпти. Пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳар томчиси қадрли ҳисобланган сувдан унумли фойдаланиш асосий вазифа бўлиб турибди.

Суғориладиган майдонлар унумдорлигини ошириш мақсадида Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний тумани ҳудудида ирригация дренаж тармоқларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш, сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича 74,55 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилади. 115 минг гектар ернинг ирригация ва мелиорация ҳолати яхшиланади. Жанубий туманлардаги захкаш ва ер ости сувларини Орол денгизига йўналтириш бўйича амалий ишлар қилинаяпти. "Қуйи Амударё бўйида кичик кўлларни барпо этиш" лойиҳасининг иккинчи навбати амалга оширилади.

2005 - 2006 йилларда барча ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилади. Ер ҳақиқий эгаларига топширилиб, қишлоқ ва овулларда мулкдорлар шаклланади. Қоракўлчилик хўжаликлари етиштирган сур териларининг 50 фоизи чорвадорларга қолдирилади.

Мураккаблашган экологик аҳволни ўнглаш учун денгизнинг қуриган ерларини мустаҳкамлаш ва тузли чангларнинг кўчишини пасайтиришга мўлжалланган "Орол денгизининг қуриган ерларидан иҳота ўрмонзорлари яратиш" ва "Маҳаллий тузга ва чўлга чидамли ўсимликларни экиш" лойиҳалари асосида денгизнинг шимолий-шарқий томонидаги кўлами 11 минг гектар далаю даштлар ўрмонзорларга айлантирилади. Қазилма бойликлари, углеводород заҳираларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади.

*(Давоми 2-бетда)*

*«Ишонч» фош этади*

***Сув келтирган элда азиз, дейди халқимиз. Қаҳрамонимиз Бахтибой эса на чўлга ва на элга сув келтирди. Аксинча бир ташкилот бошлиғи сифатида ичимлик сувини аҳолига расамади билан тақсимлаш ўрнига инсофни унутиб, ўзбошимчалик билан сувга нарх белгилаб одамларга пуллайверди.***

## НОИНСОФ

Ичимлик сувининг, айниқса, чўл шароитида қадри баланд. Бахтибой ёшлигидан сув сотишни орзу қилганми, ҳайтовур бир думалаб 2002 йил январида Сардоба туман «Ичимлик сув корхонаси»га бошлиқ бўлиб олди. У ўзи ўйлагандек ошиғи олчи туриб, бахтига ичимлик сувининг бозори чаққонлашиб кетаверди. Одамлар ҳам унинг оғзидан чиққан нархга тонналаб сувни сотиб олаверишди. Ахир, Зоминдек баҳаво табиат қучоғидан отилиб чиқаётган зилол сув 90 километр масофадаги қувур орқали оқиб келиб турсаю, ундан баҳраманд бўлишни ким ҳам хоҳламайди дейсиз. Бутун бир тумандаги ички тармоқ қувурлари ишдан чиққанлиги, оқибатда Зоминдан келадиган сув битта ҳовузга тўпланиб, шу жойдан тележкалар орқали тарқатилиши ҳам унга қўл келди.

Олти ой Бахтибой тинимсиз ҳовуздан сув сотди. Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, у шу даврда 3571 куб.метр сувнинг ҳар куб.метрини белгилаб қўйилган 27 сўм ўрнига 50 сўмдан пуллади. Жами 178.550 сўм пулнинг 38.450 сўмини жиғилдонига урди.

Атрофга бундоқ қараса, мушугини «пишт» дейдиган мард йўқ. Бундан фойдаланган Бахтибой сувнинг ҳар куб. метрини 200 сўмга чиқариб пуллайверди. Бир йил давомида 1.495.140 сўмга сув сотди. Шундан 623.990 сўми киссага тушди.

Б.Файзиев ўз фаолияти даврида корхонага назорат-касса машинасини ўрнатмасдан, пулларни ўз вақтида кирим қилмай 1.681.090 сўмни НКМсиз ёки қатъий ҳужжат ҳисобланувчи патта бермасдан сотиб, хизмат кўрсатиш қоидаларини қўпол равишда бузди.

Сардоба туман «Ичимлик сув корхонаси»да юзага келган муддати ўтган қарздорлик кўпайгани туфайли ходимларга иш ҳақи вақтида берилмаслигини, уларни ижтимоий ҳимоялашга эътиборсизлик одатий ҳолга айланганлигини айтмасак ҳам бўлади.

– Ичимлик сувининг ҳар куб.метрига 300 сўмдан пул тўланса-да, патта ёки чек олганимни ҳеч қачон эслай олмайман, – дейди давлат белгиси 12Е 36-03 рақамли сув ташиш шахсий автомашина эгаси Т.Бердибеков.

Жиноят ишлари бўйича Сардоба туман суди мазкур жиноят ишини кўриб чиқиб, Файзиевга нисбатан уч йил муддатга аҳлоқ тузатиш жазоси тайинлади.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

## ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН КАСБЛАР

***САВОЛ: қандай лавозимларга қабул қилинганда ва кейинчалик иш давомида тиббий кўрикдан ўтиб туриши зарур бўлган вазифалар (касб, лавозимлар)нинг рўйхати қайси қонун ҳужжатларида кўрсатилган? Шунингдек, тиббий кўрикдан ўтишдаги харажатлар ким томонидан ва қай тарзда қопланиши керак?***

**Ҳ.МУХТОРОВ,**
**Зангиота тумани**

### Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

**ЖАВОБ:** амалдаги Қонунчиликда барча ишга кирувчилар ва барча ишлаётган ходимларни тиббий кўрикдан ўтиши мажбурий қилиб кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига тиббий кўрикдан ўтиш мажбурийлигига доир алоҳида 214-модда киритилган. Бу моддада иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши зарур бўлган ходимлар кўрсатилган. Булар қуйидагилар:

– 18 ёшга тўлмаганлар;

– 60 ёшга тўлган эркаклар ва 55 ёшга тўлган аёллар;

– ногиронлар;

– меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

– озиқ-овқат саноатларида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

– умумтаълим мактабларида, мактабгача тарбия ва таълим бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлар.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши зарур бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Тиббий кўрикдан ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўймаслик ҳамда касалликларга чалинмасликларини олдини олишдан иборатдир. Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни иш берувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтишда ходимдан ҳеч қандай пул олинмайди. Қонунга биноан ходим тиббий кўрикдан ўтишида қандай турдаги поликлиника (хусусий ёки бошқа) хизматидан фойдаланишдан қатъий назар у чиқимдор бўлиши мумкин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарурки, ходим қайси турдаги поликлиника хизматидан фойдаланишидан қатъий назар ходим пул тўламайди. Лекин бу ходимларни тиббий кўрикдан ўтказаётган муассаса уларни бепул ўтказиб беради деган гап эмас. Тиббий кўрикдан ўтиш учун кетган барча харажатлар йўлланма берган тегишли муассаса ёки ташкилот томонидан қопланади.

Агар ходимларни тиббий кўрикдан ўтиши хусусий ёки пуллик хизмат кўрсатувчи поликлиникаларга юқори соғлиқни сақлаш органи томонидан бириктирилган бўлса, бу ҳолда хусусий поликлиника ва ходимни тиббий кўрикдан ўтиши учун йўлланма берадиган муассаса ўртасида ўзаро шартнома тузилган бўлиши ва бу харажатлар йилнинг бошида тасдиқланган сметага киритилган бўлиши зарур. Баъзи бир вилоятлардаги бу масалада йўл қўйилаётган хатоликлар такрорланмаслиги учун ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишда поликлиника раҳбарлари қонун талабларига тўлиқ риоя қилишлари шарт, тиббий кўрикдан ўтаётган ходимлардан пул олинишига умуман чек қўйилиши ва бу жиноий жавобгарлик эканлигини ёддан чиқармасликлари зарур.

Булардан ташқари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг 1993 йил 2 июндаги 250-сон буйруғига асосан «Соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг бепул тиббий хизмат олиш тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ бюджет даволаш-профилактика муассасаларида ишлаётган тиббиёт ходимлари даволаш-профилактика муассасаларида қабул қилиниши (текшириш, даволаш, қайта тиклаш) ва даврий тиббий кўриклардан ўтиши бепул қилиб белгиланган.

МКнинг 9-моддасига асосан муассасаларнинг касаба уюшма қўмиталари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Рўйхат бўйича ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишда Меҳнат кодексининг 214-моддаси талаблари тўлиқ бажарилишини доимо назорат қилиб боришлари, агар бу модданинг талаблари бузилган тақдирда, бундай қонунбузарчиликка чек қўйиш мақсадида қонунчиликни бажарилишини умумий назорат қилиб борувчи прокуратура органларига ёзма равишда мурожаат қилишлари зарур.

## МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТАРТИБИ

***САВОЛ: амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан кимлар муқобил хизматга чақирилиши мумкин ва унинг тартиби тўғрисида батафсил тушунтириш беришингизни сўраймиз.***

**М. МАҲМУДОВ,**
**Тўрткўл тумани**

**ЖАВОБ**: муқобил хизматни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уни ўташи тартиби тўғрисидаги Низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йилнинг 11 мартидаги №128-сон қарори билан тасдиқланди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан муқобил хизматни ўташ тартибини, шунингдек, уни ташкил этиш юзасидан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг вазифаларини белгилайди.

Фуқароларни муқобил хизматга чақириш жойлардаги давлат ҳокимияти органларига, туман (шаҳар) чақириқ комиссияларига, шунингдек, тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига юклатилган. Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турган фуқаролар муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эгадирлар.

Муқобил хизматга чақириладиган фуқаролар ўзларининг кўрсатиб ўтилган рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотларга мансублиги тўғрисидаги маълумотномани олдиндан туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига тақдим этган ҳолда уларни хабардор қилишлари зарур. Улар умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришнинг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажарадилар. Низом бўйича муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ой, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ой қилиб белгиланган.

Муқобил хизматга чақирилувчилар белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтадилар. Туман (щаҳар) чақирув комиссияси тақдим қилинган ҳужжатлар ва тиббий кўрик натижаларига мувофиқ фуқароларни муқобил хизматга чақириш тўғрисида қарор қабул қилади. Муқобил хизматга чақирилган фуқаро унга хизматни ўташ жойи тайинланганлиги тўғрисидаги ва етиб бориш муддати белгиланган ёзма кўрсатмани олиш учун туман мудофаа ишлари бўлимига белгиланган муддатда етиб келади. Фуқаро ёзма кўрсатмани олгандан сўнг, белгиланган муассаса, корхонага етиб боради. Муассасада, корхонада унинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисида меҳнат шартномаси тузилади. Буйруқ чиқарилади ва ўша кундан муқобил хизмат бошланган кун ҳисобланади. Муқобил хизматга чақирилган шахсга чақириқ санаси ва хизмат ўталаётган жой ҳақидаги белги қўйилган гувоҳнома фуқароларнинг муқобил хизматга муносабатини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Муқобил хизматни ўташ Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланган вазирликлар, идоралар ва концернларнинг корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида амалга ошириладиди, улар қуйидагилар:

1. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги;
2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;
3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
4. Мудофаа вазирлиги;
5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;
6. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги;
7. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги;
8. Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари уюшмаси;
9. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси;
10. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари татбиқ қилинади ва бу муддат меҳнат стажига қўшилади. Улар раҳбарлик ва сайлаб қўйиладиган лавозимларда ишлаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ҳамда таълим муассасаларига ўқишга кириши мумкин эмас. Уларга ўзлари меҳнат қилаётган корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидалари татбиқ қилинади. Шунингдек, улар тузилган меҳнат шартномаси (контракт) шартларига тўлиқ риоя қилишлари шарт. Иш берувчи ҳар ойда Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг ҳисоб рақамига муқобил хизматчилар иш ҳақининг 20 фоизини ўтказиши керак.

Бундан ташқари, мудофаа ишлари бўлимини фуқароларнинг муқобил хизматга келганлиги, хизматчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги Қонунларнинг бузилиш ҳоллари тўғрисида хабардор қилишга мажбурдирлар.

Ходимлар сони (штати) ўзгариши ёки иш хусусиятининг ўзгариши, корхонанинг тугатилиши сабабли ёҳуд фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва фавқулодда ҳодисаларни тугатиш бўйича ишларни бажарувчи корхоналарни тиклаш зарурияти бўлган ҳолларда муқобил хизматдагиларни бошқа корхоналарга ўтказиш зарурияти туғилиб қолган ҳолларда бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш ҳуқуқи:

туман (шаҳар) доирасида - туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг бошлиғига;

вилоят доирасида - Вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғига;

республика доирасида - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг ташкилий сафарбарлик бош бошқармасининг бошлиғига берилган.

Муқобил хизматни ўтаётганда меҳнат қобилиятини йўқотган фуқаролар ва ҳалок бўлганларнинг оилалари, шунингдек уларнинг қарамоғида бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматдагилар учун белгиланган нафақалар ва пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Муқобил хизмат муддатини ўтаб бўлганлар Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Қуролли Кучлар захирасига бўшатиладилар ва улар уч кун муддатда турар жойлардаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига бориб, ҳарбий ҳисобга туришлари шарт ва илгариги ишига ёки унга тенг ишга (лавозимга), шунингдек, чақирилишига қадар ўзи ўқиган таълим муассасасига қайтиш ҳуқуқига эгадир. Умуман уларни иш билан таъминлаш вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари зиммасига юклатилган.

Фуқаро оилавий аҳволи ўзгарганлиги муносабати билан, агар бу ҳол унга қонун ҳужжатларига мувофиқ чақирилиш муддатини кечиктириш ёки чақиришдан озод этилиш ҳуқуқини берадиган бўлса, муқобил хизматдан муддатидан олдин бўшатилиши мумкин.

Муқобил хизматдан муддатидан олдин бўшатиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги қабул қилади.

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN







## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ НОСТРИФИКАЦИЯЛАШ

***САВОЛ: ҳужжатларни (диплом) нострификациялаш тартиби тўғрисида маълумот берсангиз.***

**К.МАҲМУДОВ,**
**Нишон тумани**

### Саволингизга ҳуқуқшунос Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

**ЖАВОБ**: хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган.

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги 1992 йил 1 январдан сўнг берилган ҳужжатларни тан олиш ҳамда уларни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим ҳужжатларига тегишлидир.

3. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш деганда ваколатли давлат органларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу ҳужжатларнинг қонуний кучга эга эканлигига розилиги тушунилади.

4. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) деганда ваколатли давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатлар эгалари тайёргарлиги даражаси мувофиқлигини белгилаш ва уларга Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлган шахсларга берилгани каби академик ва касбий ҳуқуқларга берилиши тушунилади.

5. Хорижий давлатларда ўрта махсус ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) ҳамда тегишли гувоҳнома бериш бевосита Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма) томонидан амалга оширилади.

6. Хорижий давлатларнинг умумий ўрта таълим ва унинг қуйи босқичлари ҳужжатларини тан олиш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармалари томонидан ташкил этиладиган комиссиялар томонидан ариза ва маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, унинг нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси асосида мурожаат қилинган кундан бошлаб энг кўпи билан икки ҳафта муддатда амалга оширилади. Комиссия хулосаси Бошқармага юборилади ва уч кун муддат ичида тегишли қарор қабул қилишга асос бўлади. Комиссиялар бутун ўқув йили давомида фаолият кўрсатади ва ўз иши ҳақида Бошқармага ҳисобот беради.

7. Кооперация ва мақсадли ўтиш («Умид» жамғармаси тавсияси билан давлатлараро битимлар орқали ва бошқалар) асосида хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги олинган ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш тўғридан-тўғри текширувсиз амалга оширилади ва тегишли ҳужжат расмийлаштирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли хорижий давлатларнинг давлат рўйхатида турган (легализация қилинган) ўрта махсус ва олий таълим муассасалари тўғрисидаги маълумотни олдиндан ҳозирлаб қўйишлари шарт. Бунинг учун юқорида номлари қайд этилган идоралар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда элчихоналар ва ваколатхоналарга мурожаат қилишлари мумкин.

9. Хорижий давлатларда ўрта махсус ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва уларнинг эквивалентлигини қайд этиш ҳақидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг асл нусхаси (ўтилган ўқув курслари ва уларнинг ҳажми якуний баҳолар, амалиёт, курс ва битирув малака ишлари рўйхати, ўқув жараёнининг бошқа бажарилган талаблари кўрсатилиши лозим);

маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси.

10. Бошқарма таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган ўқув юртининг ўша давлатга тегишли рўйхатда (легализация рўйхатида) борлигини текшириб, ҳужжатнинг иловасида кўрсатилган фанлар ва махсус курслар Ўзбекистон Республикасида ушбу ёки унга турли йўналишдаги мутахассисликлар бўйича тасдиқланган ўқув дастурига мос келиш-келмаслигини асосан мутахассислик фанлар бўйича аниқлайди ва энг кўпи билан бир ой муддатда тегишли қарорини чиқаради. Бошқарма лозим бўлган ҳолларда тегишли ўқув юрти, маҳаллий ва хорижий ташкилотлардан аниқлаштирувчи ҳужжатларни сўраб олиши мумкин.

11. Ариза берувчи, шунингдек, ўз тайёргарлиги ҳақида бошқа ҳужжатларни, жумладан, таълим олишнинг кейинги даражалари, касбий фаолият билан шуғулланиши мумкинлиги, амалий тажриба ҳақида ҳужжатларни ҳам тақдим этишга ҳақлидир. Тан олиш ва эквивалентлигини қайд қилиш учун зарур бўлган материаллар Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржималари билан тақдим этилади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш жараёнига қўйиладиган талаблар.

12.Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш жараёни халқаро битимлар ва тавсиялар, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари, меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

13.Таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун:

таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасаси ўзи жойлашган давлатнинг ваколатли органлари томонидан тан олинган бўлиши;

таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган давлатда тан олинган бўлиши;

таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиниши Ўзбекистон Республикаси билан давлатлараро битимда кўзда тутилган (кооперация усули ёки мақсадли ўқитиш йўли билан олинган таълим бундан мустасно) бўлиши зарур.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялашга қўйиладиган талаблар.

14.Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялашда ушбу давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олгандан кейин уларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига мослиги аниқланади.

Эквивалентликни қайд этиш жараёни махсус экспертиза орқали ўтказилади.

15.Махсус экспертиза қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

– ўқув режалари ва дастурларининг мазмуни ҳамда мувофиқлиги;

– кириш синовларининг мавжудлиги;

– имтиҳонлар ва синовлар тизими;

– таълим олувчининг ўқиш давридаги баҳолари (эришган натижалари рейтинги, ўзлаштириш);

– ўзлаштирилган фанлар ҳажми (фанларнинг номи ва соатлар миқдори);

– амалиётнинг мавжудлиги ва унинг давомийлиги;

– якуний малака аттестациясининг мавжудлиги ва даражаси;

– битирув малака ишининг мавжудлиги;

– қўшимча таълимнинг мавжудлиги;

Олинган билимлар ва тажриба якуний тайёргарлик нуқтаи назаридан ўқув режалари ва таълим услубиятида бўлиши мумкин бўлган фарқларни эътироф этган ҳолда баҳоланади.

16.Эквивалентлик тўғрисидаги хулоса қуйидагилар асосида қабул қилинади:

– таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги ижобий хулоса;

– Ўзбекистон Республикаси ва таълим тўғрисидаги ҳужжатлар берилган мамлакатдаги таълим тузилмасига қўйилган умумий талабларнинг мослиги;

– таълим мазмунининг мослиги тўғрисидаги экспертизанинг ижобий хулосаси;

таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро ва давлатлараро битимлар ва шартномалар мавжуд ҳолида эквивалентлик тўғрисидаги хулоса мазкур халқаро битимлар ва шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

17.Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган тайёргарлик соҳаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим йўналишлари рўйхатига мос келмаса (кооперация йўли билан ёки мақсадли таълим олган ариза берувчининг ҳужжатлари бундан мустасно) ёки ўқитиш ҳамда тайёрлаш Ўзбекистон Республикасида олиб борилмайдиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва соҳаларда амалга оширилган бўлса, мазкур ҳужжатларнинг эквивалентлигини қайд этиш масаласи экспертлардан иборат махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади.

18.Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлиги тўғрисидаги салбий хулоса қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин.

– хорижий давлатларда профессионал маълумот тўғрисидаги ҳужжат берадиган таълимнинг умумий меъёрий даври (тўлиқ ўрта маълумот олингандан кейин) Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларида назарда тутилган даврдан бир йилдан кам бўлса;

– таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган мамлакатда унинг эгасига Ўзбекистондагига қараганда кам академик ва профессионал ҳуқуқлар берилган бўлса (масалан, ҳужжат эгаси олий ўқув юртларига, магистратура ёки докторантурага кириш, профессионал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмаслиги);

– маълумот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган таълим шаклида олинган бўлса.

19.Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлигини қайд этиш жараёни халқаро битимлар ва тавсиялар, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари, меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Бошқармага тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш тартиби.

20.Ҳужжат эгаси манфаатдор ташкилот ариза ва бошқа ҳужжатларни ушбу Низомнинг 9-бандига мувофиқ бошқармага тақдим этади.

21.Бошқарма тан олиш ва эквивалентлигини қайд этиш жараёни учун барча зарур ҳужжатлар мавжудлигини аниқлайди ва ушбу материалларни ваколатли эксперт комиссиясига юборади. Тан олиш ёки эквивалентлигини қайд этиш жараёни учун талаб қилинган материаллардан бирининг йўқлиги аниқланган тақдирда ҳужжатлар ариза берувчига қайтарилади.

22.Эксперт комиссиялари Бошқарма томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли таълим йўналиши (мутахассислик)лари бўйича ташкил этилади. Ушбу комиссиялар таркибига етук олимлар ва мутахассислар киради. Комиссиялар фаолиятига Бошқарма раҳбарлик қилади.

23.Экспертиза давлат тили стандартлари, таълим муассасасини ўзлари жойлашган давлатларда белгиланган тартибда аккредитация қилиш ҳақидаги ҳужжат, кўрсатиб ўтилган таълим йўналиш (мутахассислик)лари бўйича ўқув режалари, ўқитилган ўқув фанларининг дастурлари, малака тавсифномалари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

24.Эксперт комиссияси зарур ҳолларда (таълим муассасасининг салоҳияти ва нуфузини мавжуд ҳужжатлар асосида аниқлаш имкони бўлмаса, фанлар рўйхатга ва ҳажмдаги фарқлар мавжудлиги ҳамда бошқа ҳолларда) айрим таълим фанлари бўйича махсус синовлар ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Бошқармага таклиф киритиши мумкин.

25.Эксперт комиссияси хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, зарур ҳолларда мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган синовларни ўтказиб тегишли хулоса тайёрлайди ва уни Бошқармага тақдим этади.

26.Бошқарма эксперт комиссиясининг хулосаси ва таклифини кўриб чиқиб, таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлиги ёки уни рад этиш ҳақида қарор қилади.

27.Маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалент эканлигини қайд этилганлиги ҳақидаги қарор ҳужжатнинг эгасига махсус гувоҳнома бериш тўғрисида тегишли буйруқ чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади. Ҳужжат эгасининг маълумот тўғрисидаги ҳужжати гувоҳнома билан биргаликда тақдим этилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлади.

28.Тугалланмаган маълумот тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома унинг эгасига Ўзбекистон Республикасининг тегишли даражадаги таълим дастурларини амалга оширувчи таълим муассасасига имтиҳонлар, якуний баҳолар ва синовларни ҳисобга олган ҳолда ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради. Бунда хорижий давлатлар томонидан берилган тугалланмаган таълим тўғрисидаги ҳужжат академик маълумотнома сифатида қабул қилинади.

29.Ариза берувчининг ҳужжатларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш муддати барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак.

30.Таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ёки эквивалентлигини қайд этиш ҳақидаги гувоҳнома шахсан ариза берувчига ёки унинг топшириғига биноан керакли ҳужжатларга эга бўлган қонуний вакилига берилади.

31.Ўқув режаларидаги тафовутларни топшириш ёки махсус синовлардан ўтиш муддати ариза берувчининг розилиги билан белгиланади. Синовларни ташкил этиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган вақт мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган муддатга кирмайди.

32. Ўрта махсус ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентлигини қайд қилиш тўлов шартнома асосида амалга оширилади. Тўлов миқдори амалдаги белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида белгиланади.

33.Диплом ва эквивалентлигини қайд этиш тўғрисидаги гувоҳнома унинг эгасига Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасасида навбатдаги босқичда ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

34.Тан олиш ва эквивалентлигини қайд этиш натижалари юзасидан шикоят ва аризалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида кўриб чиқилади.

Ҳужжатларни (диплом) нострификациялаш илгари Тошкент шаҳрига келиб амалга оширилар эди, хозирда Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда амалга ошириляпти. Бу бошқарманинг жойлардаги вакилларига мурожаат этилса бир неча гуруҳларнинг йиғилишига қараб ўша ернинг ўзида эксперт комиссияси иш олиб бориши мумкин.

